

## **Ягона телефон рақами орқали келиб тушган мурожаатларини кўриб чиқиш ТАРТИБИ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг 446-П-сонли “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Вазирлар Маҳкамаси Регламентида мувофиқ, табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппарати, ҳудудий бошқармаларида фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тартибини ва муддатларини белгилаб беради.

2. Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган 446-П-сонли “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида”ги янги тахрирдаги Қонунига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклашга йуналтирилган.

3. Фуқаролар мурожаатлари яқка тартибда ёки жамоа томонидан берилиши мумкин бўлиб, таклиф, ариза ёки шикоят кўринишида, ёзма ёхуд оғзаки равишда киритилиши мумкин.

4. Фуқаролар мурожаатлари, агарда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида уларни кўриб чиқишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлса, ушбу ҳужжатга мувофиқ кўриб чиқилмайди.

### **II. Фуқаролар мурожаатларига қўйиладиган талаблар**

5. Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), турар жойи тўғрисидаги маълумотлар, ариза мазмуни, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши шарт.

6. Фуқаронинг фамилияси (исми-шарифи), турар жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган, ёки фуқаро ҳақида сохта маълумотлар

кўрсатилган бўлса, аноним ҳисобланиб, кўриб чиқилмайди.

### **III. Фуқаролар мурожаатлари шакллари ва турлари**

7. Фуқаролар мурожаатлари якка тартибда ёки жамоа томонидан берилиши мумкин.

8. Фуқаролар мурожаатлари ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин.

9. Мурожаат, ариза, таклиф ва шикоятга улар юзасидан илгари қабул қилинган фуқародаги мавжуд қарорлар (ёки уларнинг нусхалари), шунингдек мурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин.

### **IV. Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби**

10. Кўмитага фуқаролардан келган мурожаатлар белгиланган тартибда кўриб чиқилиши шарт.

11. Кўмита раиси ўринбосарлари, ҳудудий ва тузилмавий бўлинмалари ҳамда бош бошқармалари, бошқармалари, мустақил бўлимлари ва марказий аппарат раҳбарлари фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда ишнинг тўғри ва аниқ ташкил этилганлиги, шунингдек фуқароларни қабул қилишни амалга ошириш тартиби учун шахсан жавобгардирлар.

Мурожаатларни бошқа давлат органларига кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бериш, ёки қарори устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш ман этилади. Агар фуқароларнинг мурожаатларида уларни тегишли органларга жўнатиш учун зарур маълумотлар бўлмаса ёки мурожаатда қайд этилган масалаларнинг ҳал этилиши кўмита ваколатига кирмаса, ушбу мурожаатлар узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга жўнатилиши ва бу ҳақида фуқарога хабар қилиниши лозим.

12. Фуқаролар мурожаатларини ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқиш учун қўшимча ахборот, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлганда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган мансабдор шахс томонидан қўшимча маълумот тўпланиши мумкин.

Фуқаролар мурожаатини кўриб чиқаётган мансабдор шахс зарур ҳолларда мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқилишини таъминлаши керак.

Алоҳида ҳолларда, мурожаат этган шахснинг ўзи ёки бошқа шахс йўқлигида мурожаатни кўриб чиқишнинг имкони бўлмаса, улар Кўмитанинг мансабдор шахси томонидан чақирилиши мумкин.

13. Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишда фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотномалар уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат сирини ёхуд қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ҳисобланган маълумотлар ва агар

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари камситилган бўлса, бошқа ахборотлар Кўмита ходимлари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Мурожаатга алоқаси бўлмаган фуқаронинг шахси ҳақидаги маълумотларни суриштириб билиш тақиқланади. Фуқаронинг илтимосига биноан унинг шахсига доир бирорта маълумот ошкор этилмаслиги керак.

14. Фуқаронинг кўмита, унинг ҳудудий ва тузилмавий бўлинмалари фаолиятини яхшилашга қаратилган тавсиялардан иборат мурожаати - таклиф деб аталади.

Фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача муддат ичида, (кўшимча ўрганиш талаб этадиган таклифлар бундан мустасно) бу ҳақида таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилиниши лозим.

Фуқаронинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишда ёрдам сўраб ёзган мурожаати - ариза деб аталади.

Аризаларни кўриб чикувчи мансабдор шахслар мажбуриятлари:

- аризаларни ҳар томонлама, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш;
- амалдаги қонунчиликнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига асосан қарорларни қабул қилиш ва уларни ижро этилишини таъминлаш;
- фуқароларга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилишни таъминлаш.

Аризада баён этилган илтимос рад этилса, фуқарога ёзма равишда асослантирилган тушунтириш билан жавоб қайтарилади.

Фуқаро ариза бўйича қабул қилинган қарор устидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фуқаролар мурожаатларига дахлдор ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлардаги белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаати - шикоят деб аталади.

Мансабдор шахсларнинг ўз ваколатлари доирасига қараган мажбуриятлари:

- шикоятни мазмунига қараб ўз вақтида ва ҳар тарафлама кўриб чиқиш, зарур бўлганда керакли ҳужжатни талаб қилиш, мурожаатда қайд этилган ҳолларни текшириш мақсадида ходимларни жойларга юбориш, мурожаатни ҳолисона кўриб чиқиш учун бошқа чораларни кўриш;

- қабул қилинган қарорлар устидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ бўлмаган шикоятларни бекор қилиш, ёки ўзгартириш, ғайриқонуний ҳаракатларни олдини олиш учун тезкор чоралар кўриш, бундай ҳаракатларни юзага келтирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш;

- фуқаронинг камситилган ҳуқуқлари тикланиши ва шикоят бўйича қабул қилинган қарорларни амалда ижро этилишини таъминлаш;

- фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли ҳужжатлар, қарорлар билан танишиб чиқишларида имконият яратиш;

- фуқароларга уларнинг шикоятлари устидан қабул қилинган қарорлар

хақида ёзма равишда хабар бериш, илтимослари рад этилган тақдирда асослантирилган тушунтириш бериш ва бундай вазиятда қабул қилинган қарор устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириш.

15. Фуқаролар мурожаатлари бўйича қарорлар қўмитанинг марказий аппаратида - раис, раис ўринбосарлари ва қўмита раисининг махсус буйруғига биноан бундай ҳуқуққа эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан, қўмитанинг ҳудудий ва тузилмавий бўлинмаларида эса - уларни раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

16. Фуқароларнинг такрорий мурожаатлари деганда бир фуқаронинг ўзидан бир ҳил масала юзасидан қайта мурожаат қилиниши назарда тутилади. Бундай мурожаатларда:

қўмитага келган аввалги хат бўйича қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинади;

- мурожаат келиб тушгандан сўнг унинг кўриб чиқилиши қонунчиликда белгиланган муддатдан ўтказиб юборилган бўлса, ушбу мурожаат ўз вақтида кўриб чиқилмаётгани ҳақида хабар берилади;

- аввалги хатни кўриб чиқиш ва ҳал этишда йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилади.

17. Агар фуқаролар мурожаатида қўйилган барча масалалар кўриб чиқилиб, улар бўйича зарур чоралар кўрилган бўлса ва уларга амалдаги қонунчиликка мувофиқ қуйидагилар тўғрисида, яъни:

- илтимоснинг тўлиқ ёки қисман қондирилгани ва қўмита ваколати доирасидаги масалалар бўйича чоралар курилганлиги тўғрисида;

- мурожаатдаги илтимосни қаноатлантиришда рад жавоби берилиши ёки илгари кўриб чиқилган хат бўйича қабул қилинган қарорнинг тасдиқланиши тўғрисида;

- аризаچининг қўмита ваколати доирасига тааллуқли бўлмаган масалаларини ҳал этиш тартибини тушунтириш тўғрисида жавоблар тўлиқ берилган бўлса, бундай мурожаатлар ҳал этилган деб ҳисобланади.

## **V. Фуқароларнинг ёзма мурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари**

18. Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари Қўмитанинг марказий аппарат, ҳудудий бошқармалари ва тузилмавий бўлинмаларида белгиланган тартибга мувофиқ, рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб, календарь кунлари бўйича ҳисобланади.

19. Олий Мажлис, Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириғи билан келган фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари жўнатилган ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган органга келиб тушган кундан эътиборан, календарь куниди ҳисобланади.

20. Қўмитага фуқаролардан келган ҳар бир муайян мурожаат бўйича мурожаатни кўриб чиқувчи ва ҳал қилувчи мансабдор шахслар 5 кун муддат ичида қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишлари лозим:

- мурожаатни қўмита марказий аппаратида кўриб чиқиш ҳақида;
- мурожаатни Қўмитанинг бошқа бош бошқармаси, бошқармаси, ҳудудий

бошқармаси ёки тузилмавий бўлинмасида ҳал этиш учун бериб юбориш ҳақида;

- мурожаатда кўтарилган масалалар Қўмита ваколатига тааллуқли бўлмаса, уни бошқа тегишли давлат органига юбориш ҳақида.

Мурожаатни кўриб чиқиш учун уни бошқа бош бошқарма, бошқарма, ҳудудий бошқарма ва тузилмавий бўлинмага бериб юборилганда, бу ҳақида раис ёки раис ўринбосарлари (топшириқ берувчи)га ёзма хабар қилинади. Бунда топшириқли хат лойихаси киритилади.

Хатни бошқа давлат органи ёки бошқа идорага юборилганда хат муаллифига 5 кун муддатда илова хатининг нусхаси юборилади.

21. Фуқаролардан бевосита келиб тушган таклиф, ариза ва шикоятлар қўмитада рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан бир ой муддатда, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб қилмайдиган мурожаатлар эса - ўн беш кундан кечиктирилмай кўриб чиқилади (агар раҳбар топшириғида бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса).

Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати қўмита раиси ёки раис ўринбосарлари (топшириқ берувчи) томонидан истисно тариқасида узоғи билан яна бир ойга узайтирилиши мумкин ва бу ҳақида хат муаллифига маълум қилинади. Шунда мурожаатларни умумий кўриб чиқиш муддатлари қўмитага келиб тушган (рўйхатдан ўтказилган) кундан бошлаб 2 ойдан ошмаслиги лозим.

Олий Мажлис, Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириғи билан келган мурожаатлар бўйича асослантирилган тушунтириш билан бирга ижро этиш муддатларини узайтириш ҳақида хат юборилади. Шунда фуқаролар мурожаатларини умумий кўриб чиқиш муддатлари юқори ташкилотлардан юборилган кундан бошлаб 2 ойдан ошмаслиги лозим.

22. Агар келган мурожаатда қўмита ваколатига доир таклиф, ариза ёки шикоятнинг аниқ моҳияти баён этилмаган бўлса, у ҳолда қўмита раҳбарияти қарорига биноан хат муаллифига 5 кундан кечиктирмай қайтарилади ва қайтаришнинг сабаблари ҳам баён этилади.

## **VI. Мурожаатни кўриб чиқишда фуқаролар ҳуқуқлари ва Қўмита мажбуриятлари**

23. Қўмита томонидан фуқаролар мурожаатлари кўриб чиқилганда, фуқаро мурожаатнинг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборот олиш, важларини шахсан баён этиш ва изоҳлар бериш, мурожаатни текшириш материаллари ҳамда кўриб чиқиш натижалари билан танишиш, қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш ёки уларни бошқа органлардан сўраб олиш тўғрисида илтимос қилиш, адвокат ёки ўз вакили хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Мурожаатни кўриб чиқаётган қўмитанинг мансабдор шахслари, ҳудудий ва тузилмавий бўлинмалари раҳбарлари, шунингдек бош бошқармалар,

бошқармалар, мустақил бўлим ва марказий аппарат бошлиқлари фуқароларга уларнинг ҳуқуқи, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашлари шарт.

24. Қўмитанинг мансабдор шахслари, бош бошқармалар, бошқармалар, мустақил бўлим, марказий аппарат хизмати бошлиқлари ҳамда ҳудудий ва тузилмавий бўлинмалари раҳбарлари фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунга ҳилоф ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) дарҳол олдини олишга доир чора-тадбирлар кўришлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузилишига олиб келаётган сабаблар ва шароитларни аниқлашлари, мурожаат қилганликлари муносабати билан фуқаролар таъкиб қилинишини белгиланган тартибда олдини олишлари, фуқаронинг ёзма мурожаатига кўриб чиқиш натижалари ва қабул қилинган қарор мазмуни ҳақида ёзма равишда фуқарога маълум қилишлари шарт.

Ариза ёки шикоят бўйича қарор қабул қилган мансабдор шахслар, агар фуқаро қарорга рози бўлмаса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш тартибини тушунтиришлари шарт.

## **VII. Фуқароларни қабул қилиш**

25. Фуқароларни қабул қилиш Қўмита раиси, унинг ўринбосарлари, шунингдек ҳудудий бошқармалар ва тузилмавий бўлинмалар раҳбарлари томонидан доимий равишда амалга оширилади. Фуқароларни қабул қилиш Қўмита раиси томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раҳбарияти томонидан фуқароларни қабул қилиш кунлари жадвали”га мувофиқ амалга оширилади.

26. Қўмита Раиси ва унинг ўринбосарлари, шунингдек масъул мансабдор шахслар фуқароларни қабул қилиш пайтида оғзаки мурожаат қилинган бўлса, мазкур мурожаат рўйхатга олиш журнали ва назорат варақасига бир вақтнинг ўзида қайд қилинади.

Фуқаро оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, турар жойи ҳақидаги маълумотларни кўрсатиши ва Қўмитанинг назорат бўйича масъул ходимига рўйхатга олиш-назорат варақасини тўлдириш учун мурожаатнинг қисқа мазмунини тушунтириши керак.

27. Фуқароларни қабул қилишда Назорат бўйича масъул ходими ҳамда фуқаро томонидан кўйилган масалаларни малакали ҳал этилишини ва тегишли бош бошқармалар, бошқармалар, ҳудудий ва тузилмавий бўлинмалар ходимларини таклиф этилишини ёки улардан олдиндан зарур маълумотлар олинишини таъминловчи шахс иштирок этадилар.

Қабул вақтида қабул қилувчи раҳбар томонидан қабул натижалари юзасидан қабул қилинган топшириқлар ёки қарорлар тўғрисида Назорат бўйича ходим назорат-карточкасига барча маълумотларни қайд этиб боради.

28. Қабулга келган фуқароларнинг мурожаатларда кўтарилган масалалари иложи борица қабул пайтида ҳал этилиши лозим. Бунда уларни қабул қилувчи шахслар ўз ваколатлари доирасида қуйидагилар тўғрисида

қарор қабул қиладилар:

- илтимосни қаноатлантирадилар ва фуқарога қабул қилинган қарорни ижро этиш тартибини маълум қиладилар;

- илтимосга рад жавобини берадилар ва бунинг сабаблари ҳамда қабул қилинган қарор устидан шикоят қилиш тартибини тушунтирадилар;

- фуқаронинг илтимосида кўрсатилган масалалар юзасидан қўшимча ўрганиш ва текширув утказилиши талаб қилинса, ёзма ариза қабул қилишади ва қабул вақтида аризада кўрсатилган масалалар ҳал этилмаслиги сабаблари, уни кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини тушунтирадилар;

- мурожаат этувчининг масаласини ҳал этиш Қўмита ваколатига тегишли бўлмаса, қабул қилувчи шахс унга қайси давлат органи (ташкilot ёки муассаса)га мурожаат этиш зарурлигини оғзаки тушунтиради ва имконига қараб тегишли ёрдам курсатади.

29. Қабул тугагач, Назорат бўйича ходим барча маълумотларни назорат карточкасига киритади ва назоратдан олинади.

30. Фуқарони қабул қилиш, агар унинг бир неча бор қилган мурожаати асоссиз, қонунга ҳилоф хусусиятда бўлса ёки унинг мурожаати бўйича қарор қабул қилиб бўлинган бўлса, рад этилиши мумкин.

### **VIII. Иш юритиш ва фуқароларнинг ёзма мурожаати ҳаракати ҳамда мурожаатлар кўриб чиқилишини назорат қилиш тартиби**

31. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппаратида фуқароларнинг мурожаатларини назорат қилиш ишлари бошқа ҳужжатлардан Алоҳида юритилади ва қўмита махсус назорат гуруҳининг Назорат бўйича масъул ходимига юклатилган.

Қўмитанинг ҳудудий ва тузилмавий бўлинмаларида фуқаролар мурожаатларига оид ҳужжатлар ҳаракати ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал этилишига доир иш юритиш ва назорат қилиш ишлари фуқаро мурожаати бўйича иш юритиш мажбурияти юклатилган мансабдор шахс (мутахассис)нинг зиммасига юклатилади.

32. Фуқаро шахсан мурожаат этишга, шунингдек бунинг учун ўз вакилини юборишга ҳақлидир.

Ариза, таклиф ва шикоятга улар юзасидан илгари қабул қилинган фуқародаги мавжуд қарорлар (ёки уларнинг нусхалари), шунингдек мурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин.

Қўмитага юқори турувчи органлар (Олий Мажлис, Президент Девони, Вазирлар Маҳкамаси), шунингдек, газета, журналлар муҳарририятлари, телевидение, радио ва бошқа ташкilotлардан келган фуқаролар мурожаатлари Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги 446-П-сонли “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган муддатларда кўриб чиқилади, агар бошқа муддатлар кўрсатилмаган бўлса.

33. Қўмитанинг марказий аппаратида ҳужжатларни, шу жумладан фуқаро мурожаатларини қабул қилиш ва улар билан дастлабки иш олиб бориш

девонхона томонидан марказлаштирилган тарзда амалга оширилади. Хужжатли конвертлар, шу жумладан буюртмапи конвертлар очилади ва ундаги барча хужжатлар мавжудлиги (иловаларни ҳисобга олган ҳолда) текширилади.

Фуқаро мурожаатларида - фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), турар жойи тўғрисидаги аниқ маълумотлар кўрсатилганлигини, ариза мазмуни, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилганлигини ҳамда албатта ариза ёзган шахснинг имзоси мавжудлиги текширилади.

Хужжат етишмаган ёки бирор жойига шикаст етган ҳолларда икки нусхада далолатнома тузилади ва биринчиси девонхонада қолади, иккинчиси эса пакетни юборган ташкилот ёки фуқарога юборилади.

Нотўғри манзилга юборилган хужжатлар янги конвертларга солиниб (узунинг конвертлари билан бирга) тегишли манзилга жўнатилади, ёки хат муаллифига қайтарилади.

Фуқаролардан келган конвертлар (хат муаллифининг манзили, хатни жўнатиш ва олиш вақтини аниқлаш мумкин бўлиши учун) ташлаб юборилмайди.

Фуқаролар мурожаатлари девонхона томонидан дастлабки иш олиб борилганидан сўнг Назорат бўйича масъул ходимга киритилади. Назорат бўйича масъул ходим олинган хужжатларда (фуқаро мурожаатида) биринчи варағининг пастки қисмида рўйхатга олиш махсус штампини қўяди, рўйхатга олиш рақами, санаси ва туркумлари қайд этади ҳамда хат мазмунига қараб раис ёки унинг ўринбосари қабулхонасига беради. Рўйхатга олиш рақами Назорат бўйича масъул ходимнинг индекси, вилоят индекси, туман индекси, тартиб рақами ва хатнинг қайси ташкилот ёки фуқародан тўғридан-тўғри келганлигига қараб бош ҳарфлари билан белгиланган туркумларида иборатдир.

Раис ёки унинг ўринбосари томонидан олинган хатга аниқ масъул ижрочи ва топшириқ кўрсатилган резолюция ёзилади, сўнгра хатни купайтириш учун девонхонага қайтарилади. Девонхона ўз навбатида топшириқ берилган барча ижрочилар сонига қараб купайтирилган хатни фишкаси билан Назорат бўйича масъул ходимга беради. Назорат бўйича масъул ходим томонидан барча маълумотлар назорат варақасига киритилади ва мурожаат нусхалари топшириқ билан раис ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар, ҳудудий бошқармалар ва ижрочиларга рўйхатга олиш-назорат карточкасида (*1-илова*) имзо қўйдириб, ижро этишни ташкиллаштириш учун беради. Назорат бўйича масъул ходим назорат карточканинг бир нусхасини ижро учун масъул бошқармага фуқаро мурожаатининг бир нусхаси билан беради ва фуқаролар мурожаатларининг асли ва рўйхатга олиш-назорат варақасининг биттасини назорат қилиш ҳамда йиғма жилдларни шакллантириш учун ўзида қолдиради.

Қўмитанинг ҳудудий ва тузилмавий бўлинмаларида фуқаролар мурожаатлари бўйича иш юритиш раҳбар буйруғи билан махсус тайинланган мансабдор шахс (мутахассис) томонидан олиб борилади.

Қўмитанинг ҳудудий ва тузилмавий бўлинмаларида фуқаролар мурожаатлари бўйича иш юритиш раҳбар буйруғи билан махсус тайинланган



мансабдор шахс (мутахассис) томонидан олиб борилади.

34. Ёзма мурожаатда баён этилган масаланинг ҳал этилиши кўмитанинг бир нечта мансабдор шахсларига топширилган бўлса, унда резолюцияда раис ўринбосаридан кейин фамилияси биринчи ёзилган шахс масъул ижрочи ҳисобланади ва мурожаатни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини назорат қилади. Резолюцияда фамилияси биринчи ёзилган раис ўринбосари назорат учун жавобгардир. Агар ҳудудий бошқармалар ва тузилмавий бўлинмалар раҳбарлари биргаликда ижро этувчилар бўлган тақдирда, Кўмита марказий аппаратининг масъул ижрочиси керакли маълумотлар, ҳужжатларни улардан талаб қилади ва умумлаштиради.

Масъул ижрочи умумлаштирилган ҳужжатларга асосан ҳужжатни назоратдан олиш учун унга назорат варақаси ва хат муаллифига ёзилган жавоб хати лойиҳасини илова қилган ҳолда мазкур топшириқни берган раҳбарга натижалар тўғрисида ёзма ахборот киритади.

35. Масъул ижрочи ҳужжатлар кўриб чиқилгандан сўнг, масала ҳал этилганини тасдиқловчи (фуқарога аниқ жавоб берилгани тўғрисида) фуқаро мурожаати билан боғлиқ барча ҳужжатлар нусхаларини Назорат бўйича масъул ходимга назоратдан олиш, йиғмажилдларни шакллантириш ва сақлаш учун беради.

Жавоб хатининг асл нусхаси муаллифга юбориш учун девонхонага берилади.

Кўмитанинг ҳудудий ва тузилмавий бўлинмаларида кўриб чиқилган фуқаро мурожаатлари билан боғлиқ ҳужжатлар, мазкур мурожаат бўйича иш юритувчи мансабдор шахсга, тасдиқланган йиғмажилдлар номенклатурасига мувофиқ, сақлаш учун топширилади.

36. Назорат бўйича масъул ходим зиммасига кўмитанинг марказий аппарата, ҳудудий бошқармалари ҳамда тузилмавий бўлинмаларида фуқаролар мурожаатлари аҳолини танқидий ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш назорати юклатилади.

Назорат бўйича масъул ходим кўмита фаолиятида, фуқаролар мурожаатларини амалдаги қонунчиликда белгиланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мазкур Йўриқнома асосида кўриб чиқилиши тизимини такомиллаштиради ва назорат қилади, ўз ваколати доирасида жойлардаги фаолиятни ўрганиш, танқидий баҳо бериш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида кўмита раиси ёки унинг ўринбосарлари топшириғига биноан хизмат сафарларига боради.

37. Хизмат сафарида асосий эътибор қаратилади:

- мурожаатда қайд этилган саволлар тўлиқ кўриб чиқилиши ва муддатларга;
- мурожаат ҳолисона текширилган, қабул қилинган қарорлар қонуний ва асосланган бўлишига;
- мурожаат ўз вақтида ижро этилганлиги ва хат муаллифига ёзма жавоб берилганлигига;
- фуқаролар мурожаатлари тўғрисидаги амалдаги қонунчиликнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида ва мазкур Йўриқномада белгиланган бошқа

талаблар бажарилишига каратиши лозим.

38. Фуқаролар мурожаатини назоратдан олиш тўғрисидаги қарор қўмита раиси ёки унинг ўринбосари томонидан қабул қилинади.

Фуқароларнинг мурожаатлари, агарда қўмитанинг масъул ижрочиси томонидан уларга оралиқ жавоблар бериладиган бўлса, назоратдан олинмайди.

### **IX. Фуқароларнинг мурожаатлари билан олиб бориладиган иш таҳлили ва тавсияномаларни тайёрлаш**

39. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини юзага келтирувчи сабабларни уз вақтида аниқдаш ҳамда жамоат фикрини ўрганиш ва қўмитанинг ишини такомиллаштириш мақсадида фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари ҳамда уларда баён этилган танқидий мулоҳазалари белгиланган тартибда умумлаштирилади ва мунтазам таҳлил этиб борилади.

Умумлаштириш ва таҳлил этиш пайтида асосий эътибор жойларда ҳал этилиши мумкин ва лозим бўлган масалалар бўйича такроран юборилган ва жамоа номидан шикоят беришга, шунингдек фуқароларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, газета ва журнал таҳририятларига мурожаат қилишга мажбур этадиган сабабларни бартараф этишга қаратилган бўлиши зарур.

40. Назорат бўйича масъул ходим ҳар чоракда фуқаролардан келган мурожаатлар (шу жумладан Қўмита раҳбарияти томонидан шахсий қабул қилиш кунларида олинган мурожаатлар) бўйича ўтказилган умумлаштириш ишлари ва таҳлил натижалари юзасидан фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг мурожаатлари билан боғлиқ ишларнинг ташкил этилишини янада такомиллаштиришга оид муайян таклифлардан иборат маълумотномани тайёрлаб, Қўмита раисига тақдим этади.

41. Умумлаштириш ишлари ва ўтказилган таҳлил натижалари ҳар чоракда Қўмитанинг ишчи мажлисларида ва ҳар йили (зарурат юзасидан ҳар чоракда) Хайъат йиғилишларида кўриб чиқилади.

### **X. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мансабдор шахсларининг фуқаролар мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлиги**

42. Қўмитанинг раҳбарлари ва фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишга ваколатли шахслари томонидан фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги амалдаги қонунчилик меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг талабларини бузиш, ўз хизмат вазифаларини кўпол равишда бузиш ҳисобланади ва айбдор шахсга нисбатан интизомий чоралар қўллашга, агарда маъмурий ёки жиноий аломатлар мавжуд бўлса, қонунда кўрсатилган бошқа жавобгарлик турларини қўллашга сабаб бўлади.

Рўйхатга олиш-назорат варақаси Фуқароларнинг ёзма  
мурожаатларини қўриб чиқиш

30- /	Ҳисобга қўйиш варақаси	Кимнинг номига
Мурожаат этувчи (манзили, телефон рақами)		
Илгариги мурожаатнинг руйхатга олиш рақами Хужжат тури кирим санаси, иловаси Назорат тури		варақда
Ариза ёки мурожаатнинг қисқача мазмуни		
Раҳбар топшириғи:		
Ижрочи		
Ижро муддати		

Ижрочиларга рўйхатга олиш-назорат варақасида имзо қўйдириб бериш  
(Рўйхатга олиш варақасининг орқа томони)

Ижро этиш ҳолати		
Ижрога берилган	Кимга юборилган (ижрочи)	Назоратга олинганлигини кайд этиш
Хужжат олинган санаси, ижрочи индекси		
Мазмуни		
Назоратдан олинган Масъул ижрочи имзоси, сана:		
Назорат:		